Ўзбекистон Республикаси
Бухоро вилояти
Когон шаҳар ҳокими
ҚАРОРИ

O'zbekiston Respublikasi
Buxoro viloyati
Kogon shahar hokimi
QARORI

2020 йил "25" 09 Когон шаҳри 435-сон

2021 йилда ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни Когон шаҳридаги корхона, ташкилот ва муассасаларда ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган Низомга асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Когон шаҳар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сони (захирага қўйилган иш ўринлари) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сони йигирма нафардан кўпни ташкил этадиган корхона, муассаса ва ташкилотлар учун ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сонидан 605 кишини ташкил этадиган 10 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорида, шу жумладан:

14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 11,6 фоиз (70 киши);

Умумий ўрта ва ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасаларини тамомлагандан кейин касбини эгаллаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларнинг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун 68,9 фоиз (417 киши);

Сафарбарлик чақириқ захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 6,3 фоиз (38 киши);

ногиронлар учун 1,8 фоиз (11 киши);

шаҳар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида иш қидирувчи шахс сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун 0,2 фоиз (1 киши);

Жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун 1,3 фоиз (8 киши);

Одам савдоси қурбонлари учун 0,2 фоиз (1 киши);

Атрофдагилар учун хавф туғдирмайдиган ижтимоий аҳамиятли касалликлардан азоб чекувчи ёки ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган бошқа шахслар учун 9,8 фоиз (59 киши);

3. Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминласинлар.

4. Ушбу қарорнинг иккинчи бандида кўрсатилган шахслар учун захирага қўйилган иш ўринларига ишга қабул қилишни асоссиз рад этган иш берувчи ва унинг ваколатли шахслари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

5. Когон шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (И.Шадиев):

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги 19-2019-Б-сон буйруғи билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ белгиланган тартибда ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни ишга қабул қилиш бўйича ўрнатилган квотадан ортиқ бажарган ташкилотларга субсидия билан таъминлаш чоралари кўрилишини;

бир ҳафта муддатда мазкур қарорни тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари эътиборига етказилишини ва унинг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатилишини таъминласин.

6. Мазкур қарор "Когон ҳаёти" газетасида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Ражабов зиммасига юклатидсин.

Шаҳар ҳокими в.в.б **А.Ражабов**

UMUMIY BO'LIMI

ASLIGA TO'G'RI

Шахар хокимининг ____ йил ____ сентябрдаги ____-сонли қарорига илова

2021 йилда Когон шахридаги корхона, ташкилот ва муассасаларга ижтимоий мухофазага мухтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун банд қилиб қўйилган иш ўринлари тўғрисида

МАЪЛУМОТ

№	Ижтимоий мухофазага мухтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини белгилаш таклиф этилаётган корхона ва ташкилотлар рўйхати (корхона ва ташкилотларнинг номи)	Штат жадвали бўйича ходимларининг умумий сони	Иш ўринларини захиралаш тўғрисида таклиф берган корхона ва ташкилотлар	Шундан: шахс тофалари бўйича							
				14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар	Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини тамомлаганлар	Сафарбарлик чақириқ захирасида хизматни ўтаган ва муддатли харбий хизматдан бўшатилганлар	Ногиронлар учун	Пенсияолди ёшидаги шахслар учун	Жазони ўташ муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун	Одам савдоси қурбони учун	Атрофдагилар учун хавф тугдирмайдиган ижтимоий ахамиятли касалликлардан азоб чекувчи ёки ижтимоий мухофазага мухтож бўлган бошқа шахслар учун
1	Пахта тозалаш акциядорлик жамияти	274	23	4	10	1	6				2
2	Когон Ёғ акциядорлик жамияти	516	26	4	15	3	1		1	1	1
3	Когондонмахсулотлари акциядорлик жамияти	140	9	1	4	1					3
4	Бухоро гипс акциядорлик жамияти	104	4	1	2	1					
5	Когон шахар Ободонлаштириш бошқармаси	209	20	10		1	2	1	2		4
6	Когон шахар тиббиёт бирлашмаси	795	35	5	25						5
7	Бухоро-1 бекатидаги темир йўл касалхонаси	247	12	2	7						3
8	Бухоро тармоқ Санитария эпидемиология станцияси	32	3		3						
9	Когон шахар давлат санитария эпидимиология назорати маркази	50	3	1	2						
10	"Муборакнефтегазмонтаж" акциядорлик жамиятига карашли "Трубадеталь" унитар корхонаси	582	24	3	15	3	1		2		
11	Когон Электромонтажчи унитар корхонаси	153	10	2	6	1			1		
12	Бухоро Минтакавий темир йўл узели	650	55		40	10					5
13	Бухоро локомотив депоси	743	33	2	25	2					4
14	Бухоро вагон депоси	835	36	4	25	2					5
15	17- сон Йўл машиналар станцияси Бухоро-1 станцияси	697	35	9	13	3					10
16	Бухоро алока ва ишорат масофаси	344	21	3	14	1					3
17	Бухоро темир йўл масофаси	926	39	2	35	1					1
18	Бухоро электр билан таъминлаш дистанцияси	375	17		14	1					2
19	Нефтегазавтотрансхизмат унитар корхонаси	112	9	1	4						4

20	Бухоронефтгазавтонакл акциядорлик жамияти	260	17	2	13	1			1		
21	Бухоро бирлашган ёқилғи мой омборлари хўжалиги	241	15	4	8	2	1				
22	Бухоро 1 бекати темир йўл устахонаси	432	20	4	10	1					5
23	Бухоро ихота дарахтларини ўтказиш ва қўриклаш масофаси	297	5		3						2
24	Акциядорлик тижорат банки Халк банк Бухоро вилоят Когон филиали	56	3		3						
25	Акциядорлик тижорат банки Қишлок курилиш банк Бухоро вилоят Когон филиали	72	4		4						
26	Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки Бухоро вилоят бўлими Когон	37	2		2						
27	Когон шахар маданият ва аҳоли дам олиш маркази	33	3	1	2						
28	Когон саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи	99	4		4						
29	Когон Мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи	74	3		3						
30	Когон шахар халк таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими	45	3		3						
31	Когон шаҳар Болалар ўсмирлар спорт мактаби	52	3		3						
32	Когон шаҳар 2-сон Болалар мусика ва санъат мактаби	70	4		4						
33	Когон шаҳар Баркамол авлод болалар маркази	32	2		2						
34	Когон шаҳар 1-сон умумтаълим мактаби	52	3		3						
35	Когон шаҳар 2-сон умумтаълим мактаби	30	2		2						
36	Когон шаҳар 3-сон умумтаълим мактаби	77	4		4						
37	Когон шаҳар 4-сон умумтаълим мактаби	69	4		4						
38	Когон шаҳар 5-сон умумтаълим мактаби	37	3		3						
39	Когон шаҳар 6-сон умумтаълим мактаби	62	4		4						
40	Когон шаҳар 7-сон умумтаълим мактаби	102	5		5						
41	Когон шаҳар 8-сон умумтаълим мактаби	112	6		6						
42	Когон шаҳар 9-сон умумтаълим мактаби	86	5		5						
43	Когон шаҳар 10-сон умумтаълим мактаби	109	5		5						
44	Когон шаҳар 1-сон мактабгача таълим муассасаси	41	2		2						
45	Когон шаҳар 2-сон мактабгача таълим муассасаси	28	2		2						
46	Когон шаҳар 3-сон мактабгача таълим муассасаси	40	2		2						
47	Когон шаҳар 4-сон мактабгача таълим муассасаси	56	2		2						
48	Когон шаҳар 5-сон мактабгача таълим муассасаси	37	2		2						

49	Когон шахар 6-сон мактабгача таълим муассасаси	39	2		2						
50	Когон шахар 7-сон мактабгача таълим муассасаси	27	2		2						
51	Когон шахар 8-сон мактабгача таълим муассасаси	51	4		4						
52	Когон шахар 9-сон мактабгача таълим муассасаси	36	2		2						
53	Когон шахар 11-сон мактабгача таълим муассасаси	34	2		2						
54	Когон шахар 12-сон мактабгача таълим муассасаси	61	4		4						
55	Когон шахар 13-сон мактабгача таълим муассасаси	40	2		2						
56	Когон шахар 14-сон мактабгача таълим муассасаси	63	3		3						
57	Когон шахар 15-сон мактабгача таълим муассасаси	27	2		2						
58	Когон шахар 16-сон мактабгача таълим муассасаси	41	2		2						
59	Когон шахар 17-сон мактабгача таълим муассасаси	41	2		2						
60	Когон шахар 18-сон мактабгача таълим муассасаси	34	2		2						
61	Когон Мактабгачатаълим бўлими	21	2		2						
62	Когон шахар 17-сон ихтисослаштирилган Давлат умумтаълим мактаби	64	3		3						
63	Минокор масъулияти чекланган жамияти	28	2		1	1					
64	Кўприксоз сервис масъулияти чекланган жамияти	58	5	2	2	1					
65	"UMID- MEDICAL- CENTRE" mas'uliyati cheklangan jamiyati	25	2		2						
66	Бахтли Шерзод масъулияти чекланган жамиятининг Бухоро газ тўлдириш станцияси унитар корхонаси	22	2		1	1					
67	"DON ISSIQ NON INVEST" mas'uliyati cheklangan jamiyati	33	3	2	1						
68	Когон коммунал хўжалик ва техник хизмат кўрсатиш давлат унитар корхонаси	50	4	1	2				1		
	Жами	11317	605	70	417	38	11	1	8	1	59